



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 8 июль, № 143 (7645)

Чоршанба

Сайтимиёга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АЁЛЛАРГА МАНЗИЛЛИ ЁРДАМ

Хотин-қизлар муаммолари уйма-уй юриб ўрганиляпти ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Қандай қийин бўлмасин, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган, қийин шароитда яшаётган аёлларга манзилли ёрдам берамиз, уйма-уй юриб аҳволини ўрганамиз. Битта аёлнинг аҳволини яхшилаётган одамларнинг кайфияти, оилаларда вазият ўзгаради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

### Фамхўрлик

Инсоният тарихида аёлларни ардоқлаган, уларнинг нафақат оилада, айтиш чоғда жамиятдаги ўрни ва нуфузини кўтарган даврлар ҳамда давлатлар кам эмас. Ўша замонлар, шубҳасиз, инсониятнинг олтин даврлари сифатида тарихдан мустақкам жой эгаллаган. "Саодат асри" номи билан тарихга кирган ислом жамиятининг бошланғич даврида хотин-қизлар мақоми шу қадар юксалдики, уни ёритган муаррихлар оғзидан бол томиб гапирдилар. Ўзингизга маълум, ислом дини тарқалишидан олдин араб заминда аёлларга нисбатан шу қадар аёвсиз қоидаю ақидалар бор эдики, ҳатто уларнинг оддий бир инсон сифатида ўрни йўқ эди. Ислам дини келиб, нафақат бундай ёндашувларга чек қўйилди, балки аёл зотининг оила ва жамиятдаги мақоми аниқ-тиниқ белгилаб берилди. "Жаннат — оналар оёғи остида", деган ҳадиси шариф бунинг яққол исботидир.

Бундай мисолларни халқимиз тарихидан истаганча келтириш мумкин. Лекин бунинг акси ўларок, шундай замонлар ҳам бўлганки, хотин-қизлар ҳуқуқлари у ёқда турсин, уларнинг оддий инсонийлик қадр-қиммати ва шаъни топталган, тупроққа қорилган.

Эътироф этиш жоизки, янги Ўзбекистон сиёсатида бу йўналишдаги ишлар аниқ мақсад ва амалий ҳаракатлар уйғунлиги билан эътиборлидир. У ҳам айнан давлат раҳбарининг шахсий ташаббуслари билан боғлиқ.

Биринчи қадам сифатида Президентимиз топшириғига асосан, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари билан иборат тартибда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича республика ишчи гуруҳи тўзилганини айтиш жоиз. Бу ишчи гуруҳ шунчаки ташкил этилмаган, аксинча, унинг зиммасига аёллар муаммоларини жойида ўрганиш, улардан ҳол сўраш, камчиликларнинг туб илдизига етиш ҳамда уни адолатли тарзда ҳал қилиш вазифаси қўйилган.

Уша биринчи қадам қанчалик дадил, ишончли, энг муҳими, аҳамиятли бўлганлигини бугунги натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.



2020 йилнинг январь — июнь ойлари давомида барча ҳудуд бўйича:

— 40 мингга яқин муаммолар аниқланди.

Шу муаммоларни ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурлари доирасида:

— 89 минг 374 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланади.

### Инфратузилма

## Туризм қишлоғида кулоллик маҳсулотлари

ишлаб чиқариш маркази иш бошлади



Кониғил — Самарқанд қоғози, кулоллик, дуррадгорлик ва бошқа хунармандчилик анъаналари бугунги кунга қадар сақланиб қолган ҳудуд. Бу ерга маҳаллий ва хорижий сайёҳлар келиб, халқимизнинг қадимий анъана ва қадриятлари, миллий хунармандчилик намуналари билан танишади.



### Сенатор ва ҳаёт

## БУГУН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ

Ҳозирги пандемия шароитида ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш долзарб вазифалардан саналади. Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорларига мувофиқ, ушбу йўналишда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан ҳам бу борада муайян саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Хусусан, яқинда сенатор Гавҳар Дурдиева бошчилигида халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгашининг депутатлари томонидан 21 та маҳаллада истиқомат қилувчи ёшларнинг карантин давридаги яшаш тарзи ва ишлаб чиқаришдаги фаолияти мониторинг қилинди.

Маълум бўлишича, ёшлар карантин бўлишига қарамай, самарали ишлар билан шуғулланмоқда. Масалан, Шихлар маҳалласида хотин-қизлар 2235 нафар, вояга етмаганлар 1511 нафарни ташкил қилади, эҳтиёжманд оилалар сони эса 21 та. "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида эҳтиёжманд оилаларни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда аҳоли банд-

лигига кўмаклашиш мақсадида изчил чора-тадбирлар олиб бориляпти. Бир мисол. Мазкур маҳаллада яшовчи Ф. Саидовнинг 4 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Карантин даврида вақтинча эҳтиёжманд оилалар рўйхати киритилган. Турмуш урғоги иш билан таъминланди. Қолаверса, унга миллий ширинликлар пишириш учун микротўқинли печь берилди.

Шунингдек, бир қатор фуқароларга субсидия орқали энгил қурилмали иссиқхона қуриб берилди ва бандлиги таъминланди. Халқ депутатлари Хива шаҳар Кенгаши депутати Г. Матқаримова ташаббуси билан ушбу маҳалладаги ишчи хотин-қизлар "Хива Аслзода-Дилдора" тивувчиликка иختисослаштирилган хусусий корхонасига ишга жойлаштирилди.

Ногиронлиги бўлган ёшларни моддий рағбатлантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Умуман, сенаторларимиз ҳаётда фаоллик кўрсатиб, қўллаб-қувватлаш муаммоларни ҳал этишда бевосита қатнашмоқдалар.

«Халқ сўзи».

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАЪНАВИЯТ

УЙҒУНЛИГИГА ЭРИШИШ — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ



### Таълим

Глобал пандемия шароитида дунё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам устувор тармоқлар шарт-шароитининг ўзгариши, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг рақамлашуви, барча соҳага сунъий интеллектнинг жорий этилиши билан боғлиқ мураккаб даврни бошидан кечирмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, 2022 йилда дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қарий чорак қисми рақамли технологияларга тўғри келиши прогноз қилинаётган ҳозирги шароитда бу йўналишдаги ишларни ривожлантиришга эътибор қаратиш ўта муҳимдир. Бинобарин, жаҳон мамлакатларида иқтисодий муаммоларнинг кўпайиши, транспорт ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бузилиши, тадбирларнинг онлайн ўтказилиши ҳозирги кўринишдаги глобаллашувга нукта қўйиши таъкидланмоқда.



### Умидбахш ғояларнинг амалий самараси

Шу ўринда Президентимизнинг икки муҳим ташаббуси — "электрон ҳукумат" ва миллий дастурчилар ҳақидаги ўз вақтида амалга оширилган ҳаётбахш ғояларнинг самарали натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтоқчимиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида янгида ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегия-

си тўғрисида"ги Фармони билан давлат ва жамият қурилиши тақомиллаштиришга йўналтирилган биринчи йўналишда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилишда "Электрон ҳукумат" тизимини тақомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш вазифаси ҳам кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, 2017 йилдан бошлаб, "Электрон ҳукумат" тизими жамият ҳамда давлат ҳаётида янада долзарблик касб эта бошлади. Бу тизимни йўлга қўйишдан асосий мақсад: аҳоли ва тижоратга ҳукумат томонидан кўрсатилган хизматларни оптималлаштириш; сайловчиларнинг давлатни бошқариш ҳамда раҳбарлик жараёнидаги иштироки даражасини ошириш; фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш; фуқароларнинг технологик таъминланганлигини кўтариш; давлат бошқарувида сарф-харажатларни камайтириш, сиёсий тизимнинг самардорлигини ошириш ва рақобатбардорлиқни таъминлашдан иборат.



**КОРОНАВИРУС**  
бўйича маълумот:

Ўзбекистонда

2020 йил 7 июль соат 22.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — 10587 нафар, тузалганлар 6690 нафар, вафот этганлар 40 нафар.

Дунёда

2020 йил 7 июль ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — 11 679 808 нафар, тузалганлар 6 348 785 нафар, вафот этганлар 539 058 нафар.





